O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 8 июль, чоршанба • № 53 (11.036) • Эркин нархда сотилади

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида

**Қалбаки ва сифатсиз алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида:**

1. Белгилаб қўйилсинки, акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун қалбаки пулларни ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотиш каби ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 176-моддасида белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги акциз маркаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар, айбдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

икки ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга акциз маркаларни бошқа мақсадларда сотганлик учун, шунингдек уларни ноқонуний сотиб олганлик ва айлантирганлик учун аниқ жиноий жавобгарлик чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг айланишига нисбатан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда алкоголли ва тамаки маҳсулотлар сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 2-бандининг 1-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 6 июль.

# КЎСАКЛАР ШОДА-ШОДА



***КУНЛАР** исиб, ғўзаларнинг жони кириб қолди. Юқоричирчиқ туманидаги "Гулистон" корпорацияси деҳқонлари ана шундай кезларда экинни сув ва озуқадан сира ҳам толиқтирмай, қатор ораларига сифатли ишлов беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўзалар гулга чулғаниб, шода-шода кўсак туга бошлади.*

***СУРАТЛАРДА:** 5-бригада бошлиғининг ёрдамчиси Заҳро Маҳмадалиева (ўнгда); сувчи Неъмат Жўраев иш устида.*

*Владимир ГРАНКИН олган суратлар.*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН КУНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

***Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган дўстлик шодиёналари — Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари якунланди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, истиқлолга эришган икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстликни янги мазмун билан бойитди ва янада мустаҳкамлади.***

Меҳмонлар республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида бўлиб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, жаҳонда тенги йўқ тарихий ва меъморий обидаларни кўздан кечирдилар. Ишлаб чиқариш жамоаларида, дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлдилар. Самимий учрашувлар чоғида икки халқ ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди.

"Туркистон" саройида мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ҳамда Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов мазкур байрамнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, икки мамлакат президентларининг ташаббуси билан ўтказилган бу муҳим тадбир нияти эзгу ва муштарак халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг самараси эканлигини, у ўзбек-тожик маданияти тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилганини таъкидладилар.

Кеча қатнашчилари учун Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

*Тожикистонлик меҳмонлар Тошкент аэропортида анъанавий карнай-сурнай садолари остида самимий кузатиб қўйилди. Меҳмонлар билан хайрлашиш учун бу ерга маданият, санъат, адабиёт намоёндалари, театр арбоблари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Дўстона гурунг давомида иккала халқ вакиллари тез орада яна дийдор кўришишга умид билдирдилар. Маросимда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Ҳайрулла Жўраев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тожиддин Мардонов иштирок этди.*

***(ЎзА).***

# МУМТОЗ МАҚСАД — КОНИ САВОБ

***ДАВР моҳиятини замона тарихига қайтибгина англаш, тушуниш ва билиш мумкин!.. Қадим алломаларнинг бу донишида ўзига хос бир синоат бор. Зотан, замона тарихига қайтиш фазилати ҳаммада ҳам бўлавермайди. Бундай заковат саноқли шахсларгагина ато этилар экан.***

*Муносабат*

Мазкур мушоҳададан келиб чиқиб, Президентимизнинг сўнгги ойлардаги таклиф ва ташаббусларига разм соладиган бўлсак, юқоридаги ҳақиқатнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўламиз. МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ, 9 майни "ХОТИРА КУНИ" деб эълон қилиш, иккинчи жаҳон урушида шаҳид бўлганлар номлари битиладиган "ХОТИРА ХИЁБОНИ"ни бунёд этиш, ҳар бир вилоятдан урушга кетиб, диёрига қайтмаганларга бағишлаб "ИСМНОМА" китоблари чоп этиш!.. Бу фикрлар, бу ғоялар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бир аснода юртбошимиз яна бир карра одамлар қалбини мафтун қилди. Зеро, йўлбошчимизнинг юқоридаги таклиф ва ташаббуслари халқимиз, миллатимиз вужудидаги катта бир армон эди. Эндиликда бу мумтоз мақсадлар мавҳумотдан воқеъликка айланажак.

Ҳали-ҳануз ғойибона аза тутаётган оналар, бир умр вафо сўқмоғидан тоймаган бевалар, ёр меҳрига қонмаган қиз-жувонлар, сон-саноқсиз етим-есирлар, ака-укаларининг жасадлари қаерларда қолиб кетганлигини билмайдиган жигаргўшалар... Буларнинг барчасини, бир сўз билан айтганда, "уруш жароҳати" дейдилар. Унга даво йўқ. Абадий битмас жароҳат. Аммо...

— Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзларини эшитиб, кўзларимдан ёшларим шашқатор отилиб кетди, — дейди Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи саксон яшар онахон — Назира Зокирова, — менинг укам Ортиқбой Норалиев ҳам урушда дом-дараксиз йўқолган. Мана, эллик уч йилдирки, йўл пойлаймиз, нигоҳларимиз нигорон. Эндиликда, жилла қурмаса, унинг номи лавҳаларга ёзиладиган, китоб сатрларидан жой оладиган бўлди. Шунисига ҳам шукур. Акс ҳолда у ёруғ дунёга келмагандай, яшамагандай эди. Бу шукроналикни бизга Ислом Каримовдек ажойиб инсон ҳадя қилди. Мингдан-минг раҳмат!..

Қадамжо. Муқаддас қадамжоси бўлган халқнинг руҳияти ҳам, маънавияти ҳам, маданияти ҳам сарбаланд бўлғусидир. Эндиликда бизлар ҳам Хотира кунлари Эсдалик хиёбонларига бориб, боболаримизни, оталаримизни, тоғаларимизни, амакиларимизни, оға-иниларимизни ёдлашдек, бир калима тиловат қилиб, уларнинг номларини тилга олишдек, руҳларини шод этишдек бахтга мушарраф бўламиз.

— Мен Бўстонлиқ туманининг Сижжак қишлоғида туғилиб ўсганман, — дейди собиқ ўқитувчи, ҳозирда нафақадор Тожибой Алимов, — биргина бизнинг қишлоғимиздан урушга кетган уч юз йигирмага яқин йигитлар оилалари бағрига қайтиб келишмади. Шўролар ҳукмронлиги йилларида уларнинг номларини тиклаш, эсдалик жойи яратиш борасида обдон уриниб кўрдик. Бўлмади. Турли баҳоналарни рўкач қилишиб, рухсат беришмади. Аҳоли истаги инобатга олинмади. Одамлар юрагидаги умидлар мана энди яхши бир инсоннинг шарофати билан рўёбга чиқадиган бўлди. Кўпчилик қаторидан менинг тоғаларим — ака-ука Сармон ва Бекмурод Саидовларнинг номлари ҳам жой олишлигига ишонаман. Президентимиз бу масалани кўтармаганда ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверар эди. Офарин. Бизнинг ҳамқишлоқлар туну-кун ҳозир юртбошимиз ҳаққига дуо қилиб ётишибди.

Тошкент туманининг "Тошкент" жамоа хўжалиги фахрийлар кенгашининг раиси, уруш қатнашчиси Аъзам ота Ғиёсовнинг сўзлари ҳам юқоридаги фикрларга ҳамоҳангдир. У таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, шундай деди:

— Мен газетангиз орқали ҳамқишлоқларимизнинг республикамиз Президенти Ислом Каримов шаънига билдираётган сон-саноқсиз ташаккурларини, миннатдорчиликларини эълон қилишингизни сўрайман. Чунки, юртбошимизнинг ташаббуслари бебаҳо саъй-ҳаракат бўлди. Унинг моҳияти "Халқ сўзи" ва "Тошкент ҳақиқати" газеталарида босилган Хайриддин Султоновнинг "Хотира халқни бирлаштиради" мақоласида яхши очиб берилган. Одамлар рўзномаларни қўлма-қўл қилиб ўқишмоқда.

...Ҳа, халқ хайрли, савобли ишларга қўл урган арбобларни ҳамиша эъзозлаган, ундан меҳрини дариғ тутмаган. Йўлбошчимизнинг "Менимча, иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини мана шу майдонда абадийлаштиришимиз лозим", деган сўзлари ҳар бир юртдошимиз қалбида улуғвор акс садо бериб, жаранглаމоқда. Машойихлар: абадиятга даҳлдорликнинг ўзи абадиятдир, дейдилар. Иншооллоҳ, шундай бўлсин!..

***Раҳимберди УМАРОВ.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

***"ЎЗБЕКМЕБЕЛЬ" давлат акционерлик жамияти Олмониянинг "Шайф" фирмаси билан ҳамкорликда Олмаликдаги мебель комбинатидан сотиб олган бинода идора мебеллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона очди.***

"Тус-бюро" деб номланган бу корхонада чет элдан олиб келинган бир неча рақамли автомат линиялар ўрнатилди. Хомашёлар Олмония билан Венгриядан келтирилмоқда. Қўшма корхона май ва июнь ойларида ишлаб чиқарган дастлабки 20 миллион сўмлик шкаф, стол, тумбочка ва бошқа мебеллар аъло сифатли бўлганлиги сабабли дарҳол харидорини топиб кетди. Корхона ойига 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида бу ерда китоб жавонлари, телефон тоқчалари, ва бошқа турдаги маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

***Ольга БЛИНКОВА.***

### ШИЙПОНДА КАТТА ГУРУНГ

***ВИЛОЯТ Маънавият ва маърифат марказининг ижодий гуруҳи Қуйичирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" тажриба жамоа хўжалигининг 4-бригадаси дала шийпонида учрашув ўтказди. Унда Марказ ходими Мурoджон Мирзаев, техника фанлари номзоди, доцент Мирадҳам Файзиев, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Тошкент студияси муҳарририяти катта муҳаррири Асад Фозилов ва бошқалар иштирок этдилар.***

Бу анжуманда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фарғона ва Андижон вилоятларига сафари чоғида билдирган фикр ва мулоҳазаларининг мазмун ва моҳиятини деҳқонларга тушунтириб бердилар.

Қуйичирчиқ тумани Маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлар дастаси ижро этган куй ва қўшиқлар учрашувнинг янада мароқли ўтишига ҳисса қўшди.

***Дониёр КАМОЛОВ.***

### ЯХШИЛИККА ЖАВОБАН

***ҚИШЛОҚ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида Оҳангарон туманида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

Куни кеча тумандаги "Ўзбекистон" жамоа ширкат хўжалигининг Айритом қишлоғи аҳолиси хонадонларидаги қувурлардан тоза ичимлик суви оқа бошлади. Ўзларига яратилган қулайликдан мамнун бўлган айритомликлар қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини ошириб бажаришга аҳд қилдилар.

***Абдурафиқ МАҲКАМОВ.***

### КОНЦЕРТ ГУРУҲЛАРИ — ДАЛАЛАРДА

***ВИЛОЯТ маданият ишлари бошқармасига қарашли муассасалар бадиий дасталари ўрим-йиғим мавсумининг дастлабки кунлариданоқ ғаллакорлар хизматида бўлиб келишмоқда.***

Уларнинг куй-қўшиқлари, ҳажвий чиқишлари, мавсумбоп аскиялари томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Бу борада, айниқса, Оққўрғон, Зангиота, Юқоричирчиқ туманлари маданият ишлари бўлимлари қошидаги "Наврўзи ажам", "Ҳосил", "Мунożот", "Каягим", "Жемчужина" бадиий дасталари, Бўка туманининг Зафар Расулов раҳбарлигидаги қўшиқ ва рақс гуруҳи алоҳида фаоллик кўрсатишяпти.

***Саид ВАЛИЕВ.***

### ТИЛ БИЛГАННИНГ ЙЎЛИ ПОРЛОҚ

***ВИЛОЯТИМИЗ мактабларида чет тилларни ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Халқ таълими бошқармасидан маълум қилишларича, ҳозир ўқувчиларнинг 65 фоизи инглиз, 25 фоизи немис, 10 фоизи француз тилини ўқиб-ўрганаётир.***

Шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг АКСЕЛС, ТАСИС каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганликлари ҳам ўқувчи ёшларнинг чет тилларни яхши ўзлаштиришларига ёрдам беряпти.

Чет тилларни ўқитишни янада яхшилашда янги педагогик тизимларнинг тутган ўрнига бағишлаб ўтказилган республика семинарида вилоят ўқитувчиларининг бу борадаги ижобий ишлари алоҳида таъкидланди. ТАСИС лойиҳасининг Ўзбекистондаги раҳбари Томас Сваак, АКСЕЛС ташкилотининг Тошкентдаги раҳбари Ричард Хокинс, республика тиллар маркази директори Элен Франке ва бошқалар сўзга чиқиб, илғор педагогик жамоалар фаолиятига юқори баҳо бердилар.

***Акбар АЛИЕВ.***

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

